Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 18 май, пайшанба №59 (21.822.) Сотувда эркин нархда.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

*16 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Словакия Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Сергей Козлик бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.*

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар талай эканини айтди. Словакия ҳукумати делегациясининг мазкур ташрифи шу маънода самарали бўлиши шубҳасиз, деди у.

Сергей Козлик Словакия ҳукумати Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни, жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва ўзаро саймоя сарфлаш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Словакиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Роман Палдан ҳозир бўлди.

Шу куни Сергей Козлик бошчилигидаги Словакия ҳукумати делегацияси аъзолари Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигига ҳам ташриф буюрди.

**(ЎзА).**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

**СУРАТЛАРДА: мажлис пайти.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*16 май куни Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Вазирлар Маҳкамаси тармоқлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, бирлашмалар, банклар ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этди.*

Мажлисда республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича 1995 йилнинг биринчи чораги дастурини амалга ошириш ва биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш, товарлар (ишлар, хизматлар) эксперти бўйича тутилган ҳажмларнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Ю. Пайгин, В. Чжен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов ана шу масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Президент Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов қатнашди.

**(ЎзА).**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### ХЎЖАЛИКЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИ, ПИЛЛА, ЖУН ВА ҚОРАКЎЛ ТЕРИ СОТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА ВА ВИЛОЯТ УЮШМАЛАРИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

1. Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қоракўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят уюшмалари муассис-хўжаликларининг уларни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Муассислар уюшмаларнинг қонунда белгиланган тартибда тугатилишини таъминласинлар.

2. «Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қоракўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят уюшмаларини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 октябрдаги фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу масала юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 17 май.

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

### Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида

1. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарорига биноан қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар суткасига энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида ундириб олинади.

2. Қамалган шахс маъмурий қамоқда бўлган вақтида ишлаган ва бу билан ўзини сақлаш харажатларини қоплаган ҳолларда ундан харажатлар ундириб олинмайди. Қамалганлар меҳнатга қобилиятсиз бўлсалар, улар ҳам бу харажатларни ундиришдан озод қилинадилар.

Айрим ҳолларда судья аниқ ҳолатларни ва қамалганнинг шахсини ҳисобга олиб, уни мазкур харажатларни тўлашдан озод қилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

### «Маъмурий қамоққа олинган шаҳсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

«Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.«Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1995 йил 1 июндан эътиборан амалга киритилсин.

2. Қуйидагилар 1995 йилнинг 1 июнидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 29 декабрдаги «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1960 йил N 30, 2-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1961 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1961 йил, N 36, 20-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1964 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги 1960 йил 29 декабрь Фармонининг 1-моддасига қисман ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1964 йил, N 34, 2-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1966 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармонига қўшимча киритиш ҳақида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1966 йил, N 11, 7-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

**Гуллар шаҳри Наманган тобора гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда янги-янги хиёбонлар, гулзорлар барпо этилмоқда. Яқиндагина қуриб битказилган «Ғалаба боғи» шулар жумласидандир. Мазкур боғ фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб бунёд этилди. Унда гулзор ва сайлгоҳлар ҳам бор. Дарахтлар ўтқазилди. Қисқа фурсат ичида бу ер кўркам оромгоҳга айлантирилди.**

**Ана шундай хайрли ишларни амалга оширишда шаҳар ободонлаштириш корхонаси боғбону соҳибкорлари ҳамда гулчиларининг ҳиссаси катта. «Ғалаба боғи»нинг умумий майдони 9 гектар бўлиб, шунинг 6 гектарида дарахтзор ва гулзорлар вужудга келтирилгани кўпчиликни севинтирди.**

**Суратда: илғор гулчи Робия Мўминова.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.**

***Расмий ташриф арафасида***

## ДАВР ТАҚОЗО ЭТГАН ҲАМКОРЛИК

Покистон Ислом Республикаси: майдони — 804 минг квадрат километр. Аҳолиси — 120 миллион нафардан зиёд. Пойтахти — Исломобод. Давлат тили — урду. Аҳолининг 95 фоизи расмий дин қисобланган Исломга эътиқод қилади.

Давлат бошлиғи — Президент. 1993 йилнинг ноябридан ушбу лавозимда Сардор Форуқ Аҳмадхон Легари фаолият юритмоқда. Парламент — мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи олий органи ҳисобланади. У юқори палата — сенат, қуйи палата — миллий ассамблеядан иборат.

Парламент сайловида ғолиб чиққан партия раҳбари Бош вазир этиб тайинланади. 1993 йил октябрь ойида ўтказилган парламент сайловида ғолиб бўлган Покистон Халқ партияси раҳбари Беназир Бхутто бугунги кунда мамлакат Бош вазиридир.

Беназир Бхутто 1977 йилда Оксфорд университетининг халқаро ҳуқуқ ва дипломатия факультетини тугатганидан буён мамлакат сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатиб келади. Покистон Халқ партияси, кейинроқ «Демократия қарор топиши учун» ҳаракати раҳбари сифатида у мамлакатда узоқ йиллар демократия тантана қилиши, ҳокимият ҳарбийлар қўлидан халқ вакилларига ўтиши учун курашди.

1988 йилда генерал Зиё ул-Ҳақнинг авиафалокатда ҳалок бўлиши Покистон сиёсий ҳаётида кескин бурилиш ясади. Шу йил ўтказилган парламент сайловида Покистон Халқ партияси (ПХП) ғолиб чиқди ва мамлакатда Беназир Бхутто раҳбарлигидаги янги ҳукумат тузилди.

Б. Бхутто ҳукумати ўз фаолиятини мамлакатда конституциявий ислоҳотлар ўтказишдан бошлади. Матбуотга эркинлик берилиши, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бирбиридан ажратилиши шулар жумласидандир.

Ижтимоий муаммолар янги ҳукуматнинг диққат марказида турди. Бу даврда 8 минг мактаб тикланди, 4600 дан зиёд қишлоқлар электрлаштирилди. Ушбу соҳага бюджетдан ажратилган маблағлар кўпая борди. Ҳукумат ташқи сиёсатда ҳам ҳужжмкор ва мутаносиб сиёсат юргизишга киришди.

Бироқ, бу даврда мамлакатда ҳокимият учун курашлар ғоят авжига минди. Ҳукумат билан демократик ўзгаришларга қарши кучлар ўртасида ихтилоф жуда кучайиши, ўзаро айбловлар оқибатида Президент Ғулом Исҳоқхон 1990 йил 6 августида Б. Бхутто ҳукуматини ноконституциявий деб эълон қилди.

Ҳокимият учун курашлар мамлакатдаги сиёсий барқарорликка катта путур етказди. У Покистон иқтисодиётида айниқса сезиларли из қолдирди. Бу пайтга келиб Покистондан хорижга экспорт қилинадиган маҳсулотлар камайиб, мамлакатга келтирилаётган моллар ҳажми қўпайиши кузатилди. Вужудга келган вазият чет эл сармояларининг Покистонга киритилишига ҳам салбий таъсир этди.

1993 йил кузида Беназир Бхутто яна Покистон Бош вазири этиб тайинланганидан сўнг у раҳбарлик қилаётган янги ҳукумат мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида бир қанча тадбирлар белгилади. Жумладан, чет, эл сармояларининг мамлакатга олиб кирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Натижада Осиё тараққиёт банки ҳукуматнинг ижтимоий ривожланиш дастурини амалга оширишга кўмаклашиш учун 100 миллион доллар, жаҳон банки эса 200 миллион доллар миқдорида қарз берди.

Б. Бхутто ҳукумати энергетика, техника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга иқтисодиётнинг устувор йўналишлари сифатида катта аҳамият бермоқда. Мазкур соҳаларга эътиборни кучайтиришдан асосий мақсад мамлакат умумий тараққиётини тезлаштириш ва ишсизлик муаммосини бартараф этишдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги Покистон иқтисодиётининг муҳим соҳаси ҳисобланади. Мамлакат ишга яроқли аҳолисининг 50 фоизи шу соҳада меҳнат қилиши, ялпи миллий маҳсулотнинг 25 фоизи, валюта даромадларининг 70 фоизи шу соҳадан олиниши фикримиз далилидир.

Мамлакатда саноат ҳам муттасил ривожланиб бормоқда. Тўқимачилик, озиқ-овқат, пулат эритиш, цемент ишлаб чиқариш, газ ва нефтни қайта ишлаш — Покистон саноатининг асосий тармоқларидандир.

Покистон ташқи савдосида Япония, Саудия Арабистони, АҚШ, Эрон, Германия, Буюк Британия каби мамлакатлар катта ўрин эгаллайди. Экспорт маҳсулотларининг 70 фоизини пойабзал, гилам, спорт анжомлари, жарроҳлик асбоб-ускуналари ва нефть ташкил этади. Четга ғуруч ва пахта сотиш бўйича Покистон дунёдаги йирик экспортчи мамлакатлардан биридир. Мамлакатга хориждан асосан машиналар, асбоб-ускуналар, истеъмол буюмлари келтирилади. Утган йили мамлакатда иқтисодий усиш 4 фоизни ташкил этди. Макроиқтисодиётни яхшилаш, молиявий тартиб-интизомни йўлга қўйиш орқали ҳукумат бу йил усиш суръатларини янада жадаллаштиришга, бюджет тақчиллигини ўтган йилги 5,8 фоиздан 4 фоизга туширишга эришишга ҳаракат қилмоқда.

Покистон Узбекистон мустақиллигини 1991 йилнинг 26 декабрида тан олди. 1992 йил 10 май куни икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгани ҳақидаги протокол имзоланди. Шу йили июнь ойида Покистон Бош вазири Узбекистонга, август ойида эса мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Покистонга расмий сафар қилди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида давлатлараро муносабатларга асос бўлиб хизмат қилувчи, савдо-иқтисодий, соғлиқни сақлаш, фан, техника, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорлигининг муҳим жабҳаси ҳисобланади. 1993 йил март ойида Исломободда ўзининг илк мажлисини ўтказган Узбекистон — Покистон қўшма комиссияси бу соҳада фаол кумаклашмоқда.

Утган йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,3 миллион долларни ташкил этди. Узбекистон Покистонга чарм хом ашёси, пилла, шойи матолар, шиша, биллур, енгил саноат учун машина ва ускуналар экспорт қилди. Покистондан эса, халқ истеъмоли моллари, хусусан, тайёр кийимлар, пойабзал, чарм буюмлар, тамаки маҳсулотлари, какао ва шакар келтирилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 116 та Узбекистон-Покистон қўшма корхонаси, жумладан, Покистоннинг 19 та йирик фирма ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг юртимизга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган азалий ҳамкорлик алоқаларининг янада ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Амирқул КАРИМ, (ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА*

*Муҳтарам жаноб Президент,*

*Берлинга қайтиб келганимдан кейин мамлакатингизда бизга кўрсатилган меҳмондўстлик ҳамда Сиз билан бўлган очиқ-ойдин ва самимий суҳбатларимиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этишни лозим топдим. Бу суҳбатлар давомида мен янги ва муҳим маълумотларга эга бўлибгина қолмай, Сиз Узбекистондаги ислоҳотлар жараёнини қандай мураккаб шароитда олга сураётганингиз ва шу муносабат билан мамлакатингиз олдида қандай истиқболлар очилаётганини ҳам ҳис этдим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси нафақат бизнинг меҳримизни қозонганини, балки имкониятимиз даражасида Сизларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизни ҳам яна қайта такрорлашга ижозат бергайсиз.*

*Яна бир бор Сизга, рафиқангизга ва ажойиб мамлакатингизга бўлган чуқур миннатдорлигимни ва энг яхши истакларимни қабул айлагайсиз.*

*Мен ҳозирданоқ Сиз билан бўладиган янги учрашув кайфиятида яшамоқдаман.*

*Камоли эҳтиром ила,*

**Роман ГЕРЦОГ, Германия Федератив Республикаси Президенти.**

## Байрам табриги

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига Тунис халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан энг қизғин табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрлигимни билдираман.

Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош ўзбек халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳ Таолло мусулмон умматига иноятини бажо айлаб, фаровонлик йўлидаги умумий ҳаракатларимизни ёрлақасин.

**Зайн Ал-Обидин ибн АЛИ, Тунис Республикаси Президенти.**

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

15-16 май кунлари Тошкентда республика кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма («Бизнес Фонд») ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси махсус Республика ярмарка ва очиқ биржа савдоси доирасида «Бизнес-биржа» танловини ўтказди.

Танловда жами 96 та фирма қатнашди. Республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга асосан Германия, Покистон, Хитой, Россия, Беларусь ва МДҲнинг бошқа мамлакатлари харидор бўлдилар.

«Бизнес-биржа»нинг «Энг катта савдо» ва «Четга товар сотиш» йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди. Республикамиз миқёсида энг катта савдо қилишга (10 млн. сўм) эришган Навоий вилоятидан «Синтефон» акционерлик жамияти, четга товар сотиш бўйича Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги «Агрофирма ЛТД» жамоаси ғолиб чиқди.

**Нарзулла ШОНИЁЗОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Партия ва ҳаёт*

# МЕҲНАТДА СИНАЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Бошланғич партия ташкилотининг йиғилишидан чиққан Рафиқжонни ҳамкасблари ўраб олишди.

— Айни кўнглимиздаги иш бўлди, табриклаймиз, — дейишди улар янги котибнинг қўлини қисишиб. — Бу ёгига озгина ғайрат қилсангиз ўзимиз қўллаб юборамиз.

«Катта қозонда қайнаган», ХДП ишларида куйиб-пишган Рафиқжон учун сафдошларининг ишончи катта шараф, ўз навбатида юксак масъулият ҳам эди. Кўпчиликни яхши билиши, одамлар қалбига йўл топа олиши ундаги олижаноб фазилатларни янада бойитарди.

Марказий шифохона—улкан даргоҳ. Унда қанчадан-қанча малакали тиббиёт ходимлари ишлашади. Аммо бошланғич партия ташкилотининг фаолияти суст, ўз ортидан одамларни эргаштира олмайди. Бўлмаса шундай улкан жамоадан бор йўғи 30 шифокоргина ХДП сафига ўтармиди? Партия аъзоларини сон ва сифат жиҳатидан ўстиришдаги сусткашликларни янги котиб кечириб бўлмас бир ҳол деб ҳисоблар ва албатта унда ўзининг камчиликлари ҳам борлигини ҳис этарди. Иймон-эътиқод, маслак ва мақсадлар бирлиги учун курашга барча ХДП аъзолари ҳам бир хилда куч-ғайрат сарфламас эдилар. Рафиқжон Йўлдошев энди уларнинг бошини қовуштиришни, биргаликда бамаслаҳат иш юритишни асосий муддаосига айлантирди. Олтинкўл туман марказий шифохонаси бош ҳакимининг ўринбосари ўзининг котибликдаги илк фаолиятида аввало мана шу масалаларга эътиборни қаратди. Уша даврларни эслаб, у шундай ҳикоя қилади:

— 1993 йилнинг декабрида 30 нафар ХДП аъзоси билан бошланғич партия ташкилотини қабул қилиб олган эдим. Урганиб чиқсам, сафларимизни тўлдириб биз билан маслакдош бўлишга интилаётганлар кам эмас экан. Уларнинг ҳисобига бошланғич ташкилотимиз анча усди. Партияга қабул чоғида шошма-шошарлик, ўзи-бўларчиликка асло йўл қўйганимиз йўқ. Чунки бу ишда сон кетидан қувиш ярамайди. Уларни урганиб, ҳар бири ҳақида аниқ хулоса ва маълумотларга таяниб сафимизга қўшиш катта самара беради. Эндиликда сафимизга бирлашган 110 нафар ХДП аъзоси ана шундай синовлардан ўтган.

Марказий шифохона жамоаси «Соғлом авлод учун» курашда муайян ишларни амалга оширяпти. Жумладан, янги ишга туширилган поликлиникада кундузи саломатлигини мустаҳкамловчилар учун ўринлар ташкил этилган. Оила ва турмуш ташвишлари билан бўлиб шифохонада етишни ўзига эп кўрмайдиганлар эндиликда бу қулайликдан кенг фойдаланишмоқда. Унга эҳтиёж ортгач, кундузги ўринлар кенгайтирилиб, қишлоқ врачлик амбулаторияларида ҳам ташкил этилмоқда.

Узининг ички имкониятларини ишга солиш ҳисобига кам маблағ сарфлаб, кўп самара олиш марказий шифохона маъмурияти ва бошланғич партия ташкилотининг асосий муддаосига айланиб бормоқда. Туманнинг Ф. Қучқоров, С. Ашуров номидаги ва «Далварзин» жамоа хўжаликларидаги қишлоқ врачлик амбулаторияларида очилган жарроҳлик таянч пунктлари шу ҳаракатлар эвазига анча гавжумлашиб қолди. Ахир, дори-дармон тақчил, айрим жиҳозлар етишмаётган бир пайтда шундай йўллар билан беморлар дардига малҳам бўлишга нима етсин? Шифокорлар эндиликда ўзларига мадад қўлини чўзаётган, оталиқ ёрдами кўрсатаётган ҳомий ташкилотларнинг кўмагидан чексиз мамнун бўлишмоқда. Улар жамоага нафақат маблағ, балки тиббий анжомлардан ҳам қарашиб туришибди. Ўз навбатида шифокорлар ҳомийларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйишяпти.

— Кейинги вақтда физиотерапевтик даволаш усулларига кенгроқ ўрин беряпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Рафиқжон Йўлдошев. — Бунинг анча қулай ва ўзига хос томонлари кўп. Энг муҳими эса, етарли тиббий анжомларга эгалигимиз. Уларнинг ёрдами билан беморларнинг ташхиси аниқланиб, дардига тез шифо берилмоқда. Қишлоқ тиббиётини шакллантиришда турли компьютерларнинг роли ортиб боряпти. Янгиликни қўлланишда ХДП аъзолари бўлган ходимларимиз алоҳида ташаббус кўрсатишмоқда. Абдурасул Қодиров, Нурали Алматов, Ҳанифахон Ваҳобова, Дилшод Комилов ўзларининг амалий ишлари ва ҳаётий тажрибалари билан сафдошларига намуна бўлмоқдалар.

Жамоада қўлланилаётган янги бир усул дилни қувонтиради. Дори-дармонлар танқислигини бартараф этиш мақсадида бу ерда маҳаллий доривор ўсимликларга тез-тез мурожаат этилмоқда. Укроп, кашнич каби кўкатлар, наъматак айнан шундай хосиятга эга. Улар қайнатиб ичилса, киши руҳини тетиклаштиради. Яна бир муҳим янгилик асаб ва ички касалликларни аниқлашда ва даволашда замонавий лазер аппаратларининг қўлланилаётгани. Улар шифокорларнинг ишини енгиллаштирибгина қолмай, соғлом авлод учун курашда ҳам қўл келади.

— Биз бу билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди марказий шифохона бош ҳакимининг ўринбосари, бошланғич партия ташкилотининг котиби Рафиқжон Йўлдошев. — Замонавий шифохоналар қурилиши устида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва маҳаллий раҳбариятнинг ёрдами ва мадади билан туманимизда қад ростлаётган 120 ўринли шифохона қурилиши қизғин олиб борилмоқда.

— Марказий шифохонада бўлсангиз Ўзбекистон Президентининг Фармонларини бажариш бўйича ташкил этилган кўргазмали бурчакка кўзингиз тушади. У шунчаки хўжакўрсинга эмас, аксинча шифокорларнинг аниқ иш режалари ва вазифаларига асосланган. Уларнинг амалга оширилганлари мазкур бурчакда лунда ифодасини топган. Шунингдек, бу ердан тумандаги кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин. ХДП бошланғич ташкилотининг котиби Рафиқжон Йўлдошевнинг шубҳасиз бу ишларда иштироки бор. Чунки у ҳар доим партиянинг келажагини ўзи каби сафдошларининг фаолиятига боғлиқ деб ҳисоблайди ва ХДПнинг халқ орасидаги обру-эътиборини янада мустаҳкамлаш учун бор тажриба ва маҳоратини ишга солади.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ.**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ КОРХОНАСИ

Узбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ўзининг «Ижодкор» кичик корхонасини очди. Бундан мақсад халқимиз маданий бойлиги ҳисобланган тасвирий, амалий ва миллий ҳунармандчилик санъати турларини ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда камол топтиришдир.

Ижодкор ва ҳунармандлар яратган маҳсулотлар вилоят кенгаши ҳисобидаги дўконлар, устахоналар, кўргазмалар, кимошди савдолари орқали сотилиб, ундан тушган маблағ вилоят ижодкорларига ёрдам тариқасида сарфланади.

Кичик корхона биринчи амалий ишини ёш мусаввир Ботир Зокиржоновнинг асарлари кўргазмасини ташкил этишдан бошлади. Кўргазма Жиззах шаҳри ва унга яқин туманлардан келган ихлосмандларда яхши таассурот қолдириш билан бирга кўплаб асарлар сотилишига сабаб бўлди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

## АНИҚ ЙЎНАЛИШ БЕРИЛЯПТИ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши шу кунларда ҳукумат сиёсатини амалга оширишдаги ўзининг кенг фаолияти билан яхши натижаларга эришаётир. Яқиндан бошлаб ўюштирилаётган иқтисодий ислоҳотларга бағишланган вилоят миқёсидаги минтақавий назарий семинар машғулотлар ҳам шундан дарак беради. Бундай машғулотларнинг асосий мазмуни жойлардаги ишбилармон ва тадбиркорларга аниқ йўналиш беришдан иборат.

Худди шундай машғулот Нишон туманининг «Дўстлик» жамоа-ширкат хўжалигида ўюштирилди. Унда қўшни туманлардан ташриф буюрган партия фаоллари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам шундай семинар-машғулотлар ўтказилаётир. Машғулот қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга қониқарли жавоб олмоқдалар.

**Илҳом КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**


# "МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

*Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.*

*Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.*

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!


БИЗНЕС ПРЕСС Танловига

# АНГОР БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БОЗОРИ БЎЛАДИ

«Ангор» (ангара) - ҳосили йиғиштириб олинган майдон деган маънони англатади.

Ангор деган қишлоқ мамлакатимизда битта: Сурхондарёда. 1971 йили босмадан чиққан Ўзбекистон Қомуси Ангорни қишлоқ, Термиз тумани маркази деб ёзади. Поликлиникасию, болалар боғчаси, «Сельхозтехника» бўлими, клуби, ҳаммоми бор деб таърифлайди.

Бугунги Ангор — бутун бошли туман: саксон мингдан ошиқ аҳолиси, қирқ минг гектар ер майдони бор. Вилоятнинг бошқа туманларидан ажралиб турадиган томони— бозори обод. Деҳқон бозори ўз йўлига. Лекин мол бозори ҳам деярли ҳар куни очиқ. Фарқи сотиб олиб - сотишмайди. Етиштириб, ишлаб чиқариб - сотишади. Шунинг учунми муомалаларда - самимийлик, нархларда - арзончилик (нисбатан-да). Ҳозир Сурхондарёда машҳур ўша мол бозори таъмирланяпти. Айтишларича, Ангор қишлоғи Буюк Ипак йўлининг катта бекатларидан бири бўлган. Дарё ўзанини йўқотмайди, деган гапга ишонадиганлар насиб этса Ангор ўша катта бекат номини яна қайтариб олади, демоқдалар.

Энди бир гап: бозор замонасига яраша бўлмоғи керак. Ангор деганда мен бозорнинг дарвозасини эмас, Ангорнинг дарвозасини кўз олдимга келтираман. Дарвозада битилган «Деҳқончилик — муборак касбдир», деган ёзувни эслайман. Бу ҳикматли гап туманнинг иқтисодиётини ифодаловчи ёрлиқ, деб билаверинг. Ангорликлар март ойининг охирларида карам узишади. Энг ширин анор Ангорда етиштирилади. Пахтадан, бошқа зироатлардан олинаётган ҳосиллари ёмон эмас...

Бармоқларимни юмиб шу тарзда саноқни давом эттиришимни кимдир тўхтатади: энди саноатдан гапиринг. Ҳунармандчилигу косибчилигидан сўзланг. Ахир, бир чумчуққа ҳам дон керагу ҳам сув керак, дейди. Яна қўлюмма қилиб санаб бошлайман: пахта тозалаш заводи, калиш цехи, макарон, қандолат, кийим-кечак тикадиган цехлар, казеин ишлаб чиқарадиган ускуналар келтирилди. Катта тегирмон қуриляпти. Қишлоқларда қошиқ, офтоба тайёрланяпти, пайпоқ, гилам тўқиляпти. Лекин...

Тўғри гапдан назарни тойдирмаслик керак. Тўғри гап шуки, фалон цеху фалон кичик корхона ишлаяпти деганимиз билан, кундалик эҳтиёж молларининг асосий қисми четдан келтирилади. Шу эътирофдан сўнг ҳам биз «Ангор» обод бўлади деган гапимизда тураверамиз. Сабаби...

«Мустақиллик» деб аталган жамоа хўжалиги яқинда деҳқон - фермерлар уюшмасига айлантирилди. Ер, чорва ва хўжаликнинг мулки 28 фермерга берилди. Уларга хизмат кўрсатиш учун 14 та кичик корхона ташкил этилди.

— Калхўз даврида ҳар ўнта калхўзчига битта раҳбар тўғри келарди. Иш ўргатадиган кўп эди-да, — дейди уюшма раиси Тўра Массиев. — Ерни текислайдиган техника воситаси, масалан ўша восита ишлатиладиган мавсум тугагач, дуч келган жойда қолдириб кетиларди. Эҳтимолки, қаровсиз (эгасиз) қолдириларди. Чунки биз мулк бирон кишиники эмас, калхўзники, деб ўйлаймиз. Ўзимизнинг маҳаллийча иборамиз билан айтганда, тўғриси, «ихтиёри калхўз» эди. Ўғит ҳақида, бедани ўрадиган машина ва ҳатто ер ҳақида ҳам шундай дейишимиз мумкин эди.

Ёки «агроном» деган раҳбарни кўз олдингизга келтиринг: ишчи кучи етишмай турганидами ёки бошқа бир сабаб биланми ғўза чанқаб ётганида ҳозирдан бирон чорасини кўрмаса, ҳосил бой берилишини кўриб, билиб туради. Лекин, енг шимариб бирон эгатга сув тузадими? Мутлақо, бундай қилишга унинг агрономлиги - раҳбарлиги халақит беради. Аниқроғи, ғўзанинг ўзиники эмас, калхўзники эканлиги халақит қилади. Шу манзарани у ўзининг томорқасида кўрсин-чи эди...

Раҳбарларни ўн бароварга қисқартириб юбордик. Ана энди мен зўрман деган агроному, механигу, иқтисодчию чорвадор ўзининг зўрлигини меҳнатда кўрсатсин. Бировга маслаҳат бериш — яхши фазилат. Лекин, амалда бошқаларга намуна бўлиш ҳикматининг баҳоси бўлакча.

«Мустақиллик»нинг тажрибаси туманда - иккинчи ҳодиса. Илгарироқ бу тажриба «Занг» хўжалигида қўлланилган эди. Туман ҳокими Абдирашид Эшбоевнинг айтишича, пировардида бошқа жойларда ҳам бу ишга қўл урилди. Чунки, унинг фикрича, одамнинг қандай ишлашини билагидаги кучию, миясидаги билимидан ҳам кўра, ишга, мулкка, манфаатдорликка муносабати, тафаккури белгилайди.

**Не ишники қилмиш одамзот**
**Тафаккур ила билмиш одамзот,** -

дейди ҳоким одати бўйича фикрини бирон байтли шеър биланми қувватлаб.

Ангорликларнинг мулкка, меҳнатга муносабатларидаги янгилик хусусида умумий мисол айтдик.

Энди «конкретлашамиз».

«Таллимарон» жамоа хўжалигида бир вақтнинг ўзида саккиз дипломли зоотехник ишлади, бири-биридан зўр. Бири-биридан билимли. Лекин яратганнинг умидвор бандаси-да, яъни аскар генерал бўлишни кўзлайди, деганларидай, деярли саккизи ҳам бош зоотехник бўлишга иштиёқманд эди. Бу иштиёқ айримларини яхши ишларга ундаса, айримларини, тўғриси, ишга халақит қилишга чархлаётгандай кўринарди.

Шуларнинг ичидан лекин Маъмуржон Хўжамберди деганини зўр чиқди. Амал-памал деб ўтирмади. Бир фермахонани сотиб олди. Шу ферманинг зоотехниги ҳам ўзи. Ўзи ато қилган ризқ бутун эканда, Хўжамбердибойнинг ишлари ўнгишиб кетди: ютуқлари барқарор. Режалари ўктам. Қадамлари дадил. Кимсан - Хўжамберди фермер. Мулк соҳиби. Бугун у шукрона айтади. Керак бўлса, Ангор бозорининг тўрт бурчидан бир бурчагини ўзим обод қиламан, деган гаплари ўзига ярашиб тушади.

Ёки Маманова Сарварнинг ишларини олинг. «Қорасув» жамоа хўжалигидан, илгари сут соғувчиликдан «партком котиби» деган даражага кўтарилган раҳбар. Раиснинг муовини, тўғриси, унга югур бунга югур бекорчи юмушлардан, муовин сифатида раиснинг фикрига қулоқ солишлардан зерикди. Чорвадор эдим, чорвадорлигимга қайтаман, деди. Қайтди. Ҳозир — Маманова фермер. Биров - яримни қанотига олиб, 104 қорамол боқяпти. Иш — кўз олдида. Натижалар - кўнгилдагидай. Кайфият - аъло.

«Занг» хўжалигида бўлса, юқорида эслатганимиздай, деҳқон-фермерлар уюшмаси тузилиб, раиснинг муовини қисқарди. Муовинлиги қисқарганидан Мирзаев Абдираимбой аввалига хафа бўлгандай, аразлагандай кўринди. Кейин ўйлаб кўриб уюшмадан 5 гектар ер олди. Ижарага чигит экди. Мажлислар, муҳокамалар, мунозарали гурунглар —ҳаммаси ортда қолди. Энди — ишлаш керак. Ишлаяпти ҳам.

— Булар шунчаки хўжакўрсин учун айтилаётган мисоллар, ишлар эмас, дейди ҳоким. — Тўғри йирик корхоналар, заводлар қуряпмиз деб мақтана олмаяпмиз. Истеъмол бозорини мол билан таъминлаш - даги камчиликларимиз, э-ҳе, талайгина. Лекин ислоҳот ғилдираги ишлаб чиқаришда эмас, қарашларда, муносабатларда бу силжиш кўзга ташланиб қолаётганини айтмоқчиман. Насиб этса...

Дарвоқе, Эшбоев Ангорга яқинда ҳоким қилиб тайинланган. Ишда ўзини кўрсатадиган палла унга энди келди.

У бир замонлар туманнинг иккинчи котиби бўлиб ишлаган. «Таллимарон»дай катта хўжаликни бошқарган эди. Лекин шу ҳар иккала нарсадан ҳам кўра менимча номи ҳокимликка тавсия этилаётганда унинг халқ таълими аълочиси эканлиги кўпроқ инобатга олинди. Ҳа, ишонаверинг, хўжаликнинг раҳбари Халқ таълими вазирлигининг нуфузли мукофотига сазовор бўлгандида. Бу бежизга эмас эди. Эшбоев уч йилдан кўпроқ гоҳи директор, гоҳи раис бўлиб юқоридан ёрдам кутмади, тўртта мактаб қурдирди. Кутубхона, китоб дўконлари билан қизиқди. Раис кун ўтарини кўзлаб ишласа, осмон ўйилиб ерга тушмас. Лекин ўқитувчи кун ўтарини кўзламасин, деган гапни кўп айтди. Ҳатто, дарсларнинг сифати билан қизиқишга вақт топди.

Ҳозир ҳам шу — Эшбоевнинг қулоққа қуйилиб қолган гаплари бир талай: «Фуқароларни қабул қилиш куни (ёки соати) деган гапга қўшилмайман», - дейди у.

«Раҳбар билан одамлар ўртасида номаълум сон ёки топишмоқ бўлмаслиги керак. Бу - биринчиси. Иккинчидан, фуқаро раҳбарни қабул қилсин. Бошига кўтаргудек даражада ҳурмат қилиш маъносида. Бу жўн гап эмас. Бунинг учун раҳбарнинг нимадир фазилатидан одамлар қувона билмоғи керак».

«Дангаса, ишёқмаснинг қорнини тўйғазишга кафилликка ўтиш - савобдан эмас» деган гапи айниқса менга ёқди.

... Суҳбатимиз анча чўзилди. Уни фақат гапга чечан экан, деб ўйламанг тағин. Ҳар бир сўзининг устидан чиқадиган одам. «Ангор» — ҳосили йиғиштириб олинган майдон, дедик.

Ангор — дарахтлар мева солган, ҳосиллар пишиб етилаётган пайкал. Туманнинг одамларини мустақиллик одимларини ҳам шунга қиёсласа бўлади. Узр, таассуротларим сўзнинг луғавий маъносига сал оғирлик қилгандай ва қилаётгандай туюляпти. Аммо очиғи, Ангор Буюк Ипак йўлининг катта бозори бўлади, деган гапга ишончим комил. Бу фақат суҳбат таассуротлари эмас, кўнгил дафтаримдаги қатъий ишонч...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

### ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВДАН УМИД КАТТА

**Иқтисодий ривожланган етти давлат раҳбарлари Россия Президенти Борис Ельциннинг Галифаксда ўтадиган олий даражадаги учрашувида иштирок этишига катта умид боғламоқда, деди Канада бош вазири Жан Кретьен. Шунингдек, у Россиянинг бу сафарги учрашувида иштироки ўтган сафарги Неапол учрашувидагига қараганда аҳамиятлироқ, деб айтди.**

### ЯНГИ ВАЛЮТА МУОМАЛАГА КИРДИ

Тожикистон ҳукумати қарори билан шу йил 10 майдан мамлакат ҳудудида ягона тўлов воситаси ҳисобланган миллий валюта — тожик рубли муомалага чиқарилди. 1 Тожикистон рубли Россиянинг 100 рублига тенгдир. 15 майдан бошлаб мамлакат ҳудудида Россия рубли муомаладан чиқарилди.

Россия Марказий банки томонидан 1993 йилда чиқарилган пуллар Тожикистон банкларида бозор курси бўйича чекланмаган миқдорда алмаштирилмоқда. 15 май куни республикада банклараро валюта биржаси иш бошлади. Валюта биржаси ҳафтада бир марта савдо ўтказади.

### ИШ ҲАҚИ ОШДИ

**Тожикистонда 1 майдан бошлаб халқ хўжалигида энг кам ойлик иш ҳақи янги миллий валютада 144 рубл қилиб белгиланди. Жумладан халқ маорифи, фан, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари ходимларининг иш ҳақи 2,3, давлат органлари ходимларининг маоши 2,5 баравар, пенсиялар ва стипендиялар 1,8 баравар оширилди.**

### ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ТУГАТИЛАЁТИР

АҚШ Президенти Билл Клинтон Оклахома-Сити шаҳрида бўлиб ўтган қўпорувчилик оқибатларини бартараф этиш ҳамда қўпорувчилик ҳаракатларининг олдини олиш борасида назоратни кучайтириш учун конгрессдан 142 миллион доллар ажратишни сўради.

### ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

**Эрон иқтисодий, илмий-техникавий қудратга эга давлатдир. Шунинг учун ҳам у АҚШ қўллаётган иқтисодий чорадан ташвишга тушмайди, деди Президент Али Акбар Ҳошимий—Рафсанжоний. У шунингдек, АҚШнинг Эронга қарши чоралари мамлакатни нефть бозоридан сиқиб чиқаролмайди, чунки жаҳон мазкур ёнилғига катта эҳтиёж сезмоқда, деб айтди.**

### МУЗОКАРА ТЕЛЬ-АВИВДА ЎТАДИ

Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақасида сайлов ўтказиш юзасидан Фаластин—Исроил музокараларининг навбатдаги босқичи аввал Тель-Авивда ўтади. Музокараларда Фаластин кенгаши аъзоларини сайлаш, ушбу ташкилотнинг қонун чиқариш ва ижроия ваколати ҳамда сайловда шарқий қуддуслик арабларнинг иштирок этиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

*Фанимиз заҳматкашлари*

# МУРАББИЙ

Она тилига муҳаббатни тарбиялашдай улуғ ишга ўз фаолиятини бахшида этган фидойи олимлардан бири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультети деканининг ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент Қаландар Сапаевдир.

Уни олис Хоразмдан Тошкенти азимга катта умид ва эзгу ниятлар етаклаб келган эди. Қалбида болалигиданоқ ўзбек тилига ва бой маданий меросимизнинг гултожи бўлмиш адабиётга зўр ҳавас ва иштиёқ жўш урарди. Лекин дунёда омад, тақдир деган гаплар бор. Булар баъзан инсоннинг ўзи истамагани ҳолда уни ҳаётнинг бошқа ўзанларига солиши мумкин. Қаландар Сапаев тақдирида ҳам шундай бўлди. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг талабаси бўлгунга қадар жамоа хўжалигида ишлади, қурувчилик қилди, кооператив техникумини тугатиб, хўжаликда ҳисобчи бўлди, армия хизматини ўтади. Лекин буларнинг биронтаси ҳам беҳуда кетмади. Аксинча, ҳаётий тажриба, узлуксиз кузатишлар кейинчалик қилинадиган муҳим ишлар учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажарди. Ана шуларнинг натижаси сифатида «Ўзбек тилининг бинокорлик атамалари» мавзуидаги номзодлик диссертацияси юзага келди. Бу диссертация унинг ўзбек тилшунослигига қўшган муносиб ҳиссаси бўлди. Унда ўзбек бинокорлиги, меъморчилигининг энг қадимги давридан бошлаб то ҳозирги кунигача бўлган бой истилоҳлари тарихий тараққиёт жараёнларида чуқур илмий таҳлил қилинган.

Олим бу борадаги ишларини изчил давом эттириб, ўзбек бинокорлик атамачилигига оид муаммоларни ўрганишга бағишланган йигирмага яқин илмий тадқиқотларни эълон қилди. У моҳир ўқитувчи, талабаларнинг меҳрибон мураббийси, толмас жамоатчи сифатида ҳам катта обрўга эга. Ўз ҳаётини талабаларсиз тасаввур эта олмайди. Ўз навбатида талабалар ҳам уни ўзларининг яқин устозлари сифатида ҳурмат қилишади.

Қ. Сапаев бутун куч ва ғайратини тилимизнинг тарғиби ва ташвиқига, ёш авлод қалбига она тилига муҳаббатни муҳрламоққа, бир сўз билан айтганда, истиқлолимизнинг таянчларидан бири бўлмиш маънавий камолот тарбиясига сафарбар этиб келмоқда.

**Абдусалом УМАРОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

# «ДЕЛОЙТ ВА ТУШ» ТОШКЕНТДА

***Шу кунларда мамлакатимиз пойтахтида жаҳонга машҳур «Делойт ва Туш» аудиторлик ва консалтинг фирмаси ўз ваколатхонасини очди.***

Фирманинг Марказий Осиёдаги фаолиятига бошчилик қилаётган жаноб Зубайдур Раҳмон тақдимот чоғида маълум қилганидек, «Делойт ва Туш» жаҳондаги кўпгина ҳукуматлар, банклар ва бошқа молиявий муассасаларга хизматлар кўрсатмоқда ва маслаҳатлар бераётир. Чунончи, жаҳондаги энг йирик компаниялларнинг қарийб 20 фоизи, уларнинг активлари ёки савдо - сотиқ ҳажми 1 миллиард доллардан ортиқ, фирманинг аудиторлик хизматларидан фойдаланмоқда.

«Делойт ва Туш» банк соҳаси муассасаларига хизмат кўрсатишда ўз экспертизасига ва айнан шу соҳага мослашган методологияга эгадир. Бу эса буюртмачиларга самарали хизмат кўрсатишни кафолатмоқда. Шуни айтиш кифояки, ер юзидаги энг йирик икки юз банкдан 55 тасига фирма аудиторлик хизматини кўрсатаётир.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

*18 май — Халқаро музейлар куни*

# МАЪНАВИЯТ МАНБАИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжат Президентимизнинг маънавиятга кўрсатаётган ғамхўрлигининг яна бир ифодасидир. Музейнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти шундаки, у кишиларнинг миллий онгини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғотиш керак», — дейди мутафаккир Августин. Шу маънода, миллий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш музейлар хазинаси илмий тарихий, бадиий, қоларверса, миллий-этник аҳамиятга моликдир.

Музей фонди — миллат бойлигидир. Унда халқнинг моддий ва маънавий маданияти, анъана ва урф-одатлари кўринади. Музейларда миллий ва умуминсоний қадриятлар мужассамлашган. «Музейга кириб, — дейди томошабин В. Саидов, — вилоятимизнинг қадимги ва ҳозирги куни билан танишдим. Ҳа, биз ўз юртимиз ҳақида кўп нарса билмас эканмиз. Қатрада қуёш акс этганидек, ҳар бир экспонатда аждодларимизнинг фаолиятлари, буюк ишлари, жангу жадаллари, миллий озодлик ва эрк учун олиб борган курашлари акс этган.

Ўлкашунослик музейининг муҳим вазифаларидан бири — материал тўплаш ҳисобланади. Музей фондини ҳар йили бойитиб бориш — маъмуриятнинг асосий бурчи. Музей обидаларини, осори-атиқаларни тўплашда академиклардан Окладников, А. Асқаров, фан докторларидан Г. Пугаченкова, Е. Массон, Т. Ширинов, фан номзодларидан Ш. Пидаев, Б. Турғунов, музей ходимларидан Г. Парфёнов, Р. Фаёзов, В. Козловский ва Й. Исмоилов кабилар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар. Шуни қайд этиш лозимки, музейга дуч келган нарса эмас, балки фан учун муҳим ва зарур аҳамиятга эга бўлган қимматли буюмлар қабул қилинади. Ҳукуматимиз қарорида «Халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш — катта ижтимоий аҳамиятга эга», — дейилади. Давлатимиз иқтисодий қийинчиликларга қарамай, нодир буюмларни харид қилиш учун ҳар йили кўп миқдорда маблағ ажратмоқда.

Вилоятимиз ёш ўлкашунослари юртимиз тарихини ҳавас ва қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Кўплаб топилмалар тўпламоқдалар. Чунончи Термиз шаҳар мактаблари ҳар йили тарихий жойларга, жумладан, эски Термизга экскурсия ташкил этадилар. 2-мактаб ўқувчилари ўтган йили 70 дан ортиқ қадимги тангалар, металл ва сопол буюмлар излаб топдилар. Тоғ туманларидаги мактаб ўқувчилари ҳар хил минераллар коллекциялари, ўсимлик гербарийларини тўпладилар. Шунингдек, улар халқ урф-одатларини, амалий санъат намуналарини ўргандилар. Кўп тарихий жойларни фотосуратга олдилар. Маълумки, ўлкашуносликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-мудофаа, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам аҳамияти беқиёс. Шунга кўра ёш ўлкашунослар ишини оммавий тус олдириш учун ҳар бир мактаб ҳузурида жамоатчилик музейлари ташкил этиш, ёш ўлкашунослар тўгараклари, жамиятлари, саёҳатчилар гуруҳлари тузиш, ўлкашунослик асослари ўқувларини уюштириш, махсус ахборотлар, қўлланмалар чиқариш, ёш ўлкашуносларнинг қадимшунослик ва этнографияга оид, халқ хўжалиги тарихи ҳамда она-табиатни ўрганиш ва уни муҳофаза қилиш масалаларига доир кўрик-конкурсларини ўтказиш, халқ таълими бошқармаси ҳузурида ўлкашунослар марказини очиш мақсадга мувофиқ. Буларнинг барчаси ҳукуматимизнинг мазкур қарорига амалий жавоб бўлиб, бу каби савоб юмушларни мустақил республикамиз манфаатлари тақозо қилади. Қоларверса, бундай тадбир-чоралар ёшларни жўшқин ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун муҳимдир.

Мустақиллик шарофати туфайли музей кўргазмалари миллийлаштирилди. Илгари миллий қадриятларга, халқимиз анъаналарига, хусусан, маҳаллий ҳунармандчиликка, халқ амалий санъатига назар-писанд қилинмасди. Бу эса ишбилармонлик ва оммавий тадбиркорлик ҳаракатига сунъий тўсиқ қўярди. Ҳозир музей кўргазмаларида ранг-баранг гилам нусхалари, сопол ва чинни, шиша идишлар, ёғоч буюмлар, қадимги меҳнат қуроллари, каштачилик буюмлари, заргарлик ва мисгарлик ашёлари, тасвирий санъат асарлари намойиш қилинмоқда. Авваллари ўзбек тилида ёзилган экспонатларни кўриш амри-маҳол эди. Ҳозир эса барча ёзувлар давлат тилида олиб борилмоқда.

Шуни афсус билан қайд қилмоқчимизки, тарихимизга, ўтмиш меросимизга, миллий маданиятимизга, халқ амалий санъатига нисбатан лоқайдлик, менсимасдан қараш ҳоллари айрим жойларда ҳануз давом этмоқда. Натижада, кўплаб ёдгорликлар йўқ бўлиб кетяпти. Масалан, 1950 йилда юртимизда 850 жойда археологик ёдгорликлар бор эди. Айни пайтда улардан 380 таси сақланиб қолган. Совет ҳокимияти даврида юртимиздан кўплаб тарихий, археологик топилмаларни, халқ амалий санъати буюмларини Русияга ташиб кетишди. Булар орасида Бақтрия, Кушон давлати тангалари, Қоратепа ва Фаёзтепа ҳайкаллари, Айритом кошинлари, олтин, кумуш буюмлар, гиламлар, каштачилик коллекциялари бор эди. Бу ноёб дурдоналар умумбашарий ва катта илмий аҳамиятга эга. Боз устига, баъзи бир соддадил хотин-қизлар илмий тарихий аҳамиятга эга бўлган тақинчоқларини, кўҳна чеварлик буюмларини, ноёб уй-рўзғор асбобларини четдан келган савдогарларга арзимас латта-путтага алмаштириб юбормоқдалар.

Вилоятимиздан турли даврларда хорижга олиб кетилган ёдгорликларни юртимизга қайтариш даври келди. Ҳолбуки, ўтган йилнинг ўзида Термиз божхонасида 400 дан ортиқ ҳар хил тақинчоқлар, тангалар, қимматбаҳо тошлар, заргарлик ва бошқа уй-рўзғор буюмларнинг четга чиқиб кетишнинг олди олинди ва улар музейга топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланадики, чет элларда сақланаётган бизнинг ўтмишимизга оид осори-атиқалар билан халқимизни таништириш, музейлардаги ноёб экспонатлар орқали тарихимизни ва бутун ютуқларимизни аҳоли ўртасида, ҳатто жаҳон миқёсида тарғиб этиш катта аҳамиятга эгадир. Аждодларимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини билмасдан туриб миллий мафкура ва миллий ғурурни қарор топтириш мумкин эмас. Бу борада музейларнинг аҳамияти беҳад каттадир.

**Тошпўлат ЖОВЛИЕВ,**
**Сурхондарё ўлкашунослик музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди.**

# ОСОРИ-АТИҚАЛАР ЧОРЛАЙДИ

**Республикамиздаги деярли барча музейларда бугун — Халқаро музейлар куни муносабати билан «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади.** Бу ҳақда республика Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан шу санага бағишлаб Давлат санъат музейида ўтказилган тантанали йиғилишда алоҳида таъкидланди. Шу кун музейлар бепул ишлаши билан бирга ўзининг бисотидаги, хазинасидаги барча ноёб экспонатларни кўргазмага қўйиб, намойиш этади.

— Республика ҳукуматининг музейлар ишини яхшилаш борасидаги кўрсатмасига асосан бугунги кунда осори -атиқалар сақланадиган бу санъат кошоналарида катта ишлар амалга оширилянти, — дейди Маданият ишлари вазирлигининг музей ишлари бошқармаси бош мутахассиси Уткир Ёрмуҳамедов. — Музей бойликлари фонди қайта рўйхатдан ўтказилмоқда. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай экспонатларни таъмирлаш ишлари олиб борилянти. Ҳозир вилоятларда ҳам мутасадди раҳбарлар музейлар фаолиятига алоҳида эътибор билан қарашмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, чет элларда Ўзбекистонга қизиқиш ортган сайин турли халқаро кўргазмаларга таклифлар бўляпти. Жумладан, яқинда Германиянинг Штутгард шаҳрида ўтказиладиган «Буюк Ипак йўли: Ўзбекистон» мавзуидаги кўргазмага юзга яқин экспонатлар жўнатилди.

Халқаро музейлар куни муносабати билан ўтказилган тантанада қатнашган маданият ишлари вазири ўринбосари Ҳеша Муминов йиғилганларни байрам билан қутлади. Шунингдек, музейлар вакилларидан бир гуруҳига вазирликнинг «Маданий - маърифий ишлар нишони», Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**


Электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланинг!

**Электр қуввати — Ватанимизнинг миллий бойлиги, куч-қудратидир. Ундан тежаб фойдаланиш рўзғорга наф келтиради ва электрстанцияларда ёқилғини иқтисод қилишга имкон беради.**

*Электр энергиясини оқилона ва тежамкорлик билан сарфланг.*

**Электр қувватидан:**

*— хонадонларда, йўлакларда, зинапоя майдонларида ўринсиз сарфлашга;*

*— кундузлари чироқларнинг ёниқ қолишига йўл қўйманг.*



**Қуйидагиларга эътибор қилинг:**

— ҳеч ким кўрмаса ҳам телевизор ишлаб тургани йўқми?

— ҳеч ким йўқ уйда ёритгичлар ёниқ қолмаганми?

— совутгичларнинг ичидаги музлатгич камераларида электр истеъмолини 15 фоизга оширувчи "пўстин" йўқми?

— деразалар ва ёритгич арматуралари тозаланганми?

**Шуни доимо ёдда тутингки:**

*— бир кеча заруратсиз ёниқ қолдирилган 100 Ватт қувватли битта электр лампочкаси бир йилда 360 кВт.соат энергияни сарфлайди, бу эса оила бюджетига 108 сўм зарар келтиради.*

*Бир киловатт соат электроэнергияси ёрдамида сиз электрсамоварда ёки чойнакда 3 марта чой қайнатишингиз ёки дазмолдан тўхтовсиз икки соат мобайнида фойдаланишингиз, узлуксиз 5 соат телевизор кўришингиз мумкин.*

*"Ўзэнергоназорат".*

Электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланинг!



ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ ДИККАТИГА!

**"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси 1995 йил 7 май куни Тўқимачилар саройида очилган доимий фаолиятда бўлган енгил саноат маҳсулотлари кўргазмасига**

**ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Сизнинг диққатингизга улгуржи ва чакана нархларда кенг турдаги пахтадан тайёрланган ва ипак газламалар, замонавий кийим-кечаклар, пойабзал, атторлик, пайпоқ ва чинни корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, тикув иплари

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ**

**Бундан ташқари, қандай тармоққа қарашли бўлишидан ва мулкчиликнинг қайси шаклида эканлигидан қатъи назар ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга ҳом ашё ва материаллар**

**ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ**

*Баҳоси бозор нархларидан анча арзон!*

**Кўргазмада "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари иштирок этадилар.**

Сизларни ҳар куни соат 9⁰⁰ да қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, Тўқимачилар саройи.

**Маълумот учун телефонлар:**
39-10-33, 39-13-49.

**Йўналиш:**
**Бобур номли истироҳат боғи.**

*Боғларим чаман-чаман,*
*Мен гулларни қучаман.*

# ШЕЪРИЯТ ВА НАВО КЕЧАСИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Шуур» корхонаси яқинда «Шеърият ва наво» кечасини ўтказди. Кечани Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева ўзининг янги қўшиқлари, ёш ва иқтидорли раққосалар рақс ва ўйинлари, шоир Сирожиддин Саййид дилбар шеърлари билан файзиёб этди. Мухлислар кўнгли шеъриятга навога ошуфта бўлди.

Кеча якунида «Шуур» корхонаси раҳбари, истеъдодли шоира Фарида Бўтаева бундан кейин ана шундай кечалар мунтазам ўтказилиб турилишини, уларда халқимизнинг суюкли шоиру санъаткорлари билан учрашиб туришни таъкидлади.

**Холида ҲАЛИМБОЕВА,**
**Тошкент шаҳри.**

*Маданият янгиликлари*

# «УФҚ»НИНГ ЯНГИ УМРИ

Ҳамза номидаги Академик драма театрида Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи асосида тайёрланган икки пардали мусиқали драманинг премьераси намойиш қилинди. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофотининг совриндори, режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирган. Саҳна безакларини рассомлар Флюра Газизова, Наталья Глубокина ишлаган. Мусиқаларни Анвар Эргашев танлаган.

Драмадаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Тўтихон Юсупова, Ёқуб Аҳмедов, Обид Юнусов ва театрнинг ёш актёрларидан Тоҳир Саидов, Фатҳулла Масудовлар ўйнадилар.

# СИНИҚ ТАНБУРНИНГ СИНМАГАН НИДОЛАРИ

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида ҳам Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб ёзувчи Ғози Раҳмоннинг «Синган танбур нидоси» номли икки пардали мусиқали драмаси намойиш этилди.

1939 йили Чироқчи туманининг Лангар ота қишлоғида ашула ва рақс дастаси ташкил этилади. Кутилмаганда уруш бошланиб дастанинг 12 нафар йигити кўнгиллилар сафида фронтга жўнайдилар ва бирортаси ҳам урушдан қайтиб келмайди. Драмада асосан ана шу дастанинг қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

Асарни режиссёр Жаббор Тошев саҳналаштирган. Мусиқаларни театрнинг бош дирижёри, бастакор Ҳазратқул Амирқулов танлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Лола Ҳолиқова, Одилжон Исмоилов, артистлардан Баҳодир Мустафоев, Раъно Мустафоева, Баҳриддин Раҳмонов ва бошқалар асосий ролларни ижро этишмоқда.

**Гулнора РАҲМОНОВА.**

ТАШКИЛОТ СОТАДИ

*— Соатига 70, 100, 150, 200 килограмм ун ва омихта ем чиқарадиган тегирмонлар;*

*— ҳўл мева қуритадиган шкафлар;*

*— 420, 700, 3000 дона тухумга мўлжалланган инкубаторлар;*

*— товуқ ва гўшт маҳсулотларини пиширувчи гриль шкафлар;*

*— сутни қайта ишлайдиган цехлар.*

**Телефонлар:**
79-18-30, 79-24-40,
79-24-15, 44-47-69, 62-07-91.

# ПОКИСТОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИНИНГ БОШ ВАЗИРИ МУҲТАРАМА БЕНАЗИР БХУТТО ХОНИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИНИ ЧИН ҚАЛБДАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ !





## ПОКИСТОН ТОВАРЛАРИ—ЭКСПОПАК-95 КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛГАЙСИЗ !
## КЎРГАЗМА 1995 ЙИЛ 22—27 МАЙ КУНЛАРИ "ТУРКИСТОН" САРОЙИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

ТАКЛИФНОМА ТАКЛИФНОМА

**Ранг-баранг ассортиментдаги маҳсулотлар тавсия этилади:**

Саноат товарлари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, пахта, калавалар, тўқимачилик ва полиэстрол газламалари, тикилган кийимлар, пайпоқ буюмлари, сочиқлар, спорт моллари, хирургия асбоблари, косметика, тамаки ва сигареталар, гуруч, озиқ—овқат неъматлари, ёғочдан ишланган мебеллар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари.

Покистон ҳукумати экспортни ривожлантириш бюроси Покистоннинг Тошкентдаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирилган кўргазма манзилгоҳи: Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони рўпарасидаги "Туркистон" саройи.

*Мурожаат учун телефонлар:* 77-14-42, 77-10-03, 77-82-72.

ЕРВ


*Халқаро теннис мусобақаси*

# КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

***Шу кунларда Самарқанд шаҳрида «Буюк Ипак йўли» — Сателлит халқаро теннис мусобақасининг иккинчи босқич баҳслари давом этмоқда.***



Дастлабки босқич мусобақалари эса Тошкентда, «Динамо» теннис саройида ўтказилганди. Бу ерда Руминия, Германия, Голландия, Испания, Исроил, Франция, Австрия, Италия, Швейцария, АҚШ, Словакия, Белорусь, Чехия, Россия каби мамлакатлардан келган моҳир теннисчилар ўзаро куч синашдилар. Мамлакатимизда теннисни ривожлантириш ва оммавийлаштиришга катта ҳисса қўшиб келаётган Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Темур Хонхўжаев, Темур Ғаниев, Фарҳод Ғуломов, Антон Иванов, Антон Кокурин каби спортчиларимиз истиқлол юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Профессионал теннисчилар ассоциацияси талабларига мувофиқ жаҳон миқёсида мақоми бўйича 223 уринни эгаллаб турган тошкентлик Олег Огородов мухлисларни қувонтирди. У ҳал қилувчи баҳсда францияли Жером Лосталог билан учрашди. Олег биринчи баҳсдаёқ устиворлик кўрсатиб, 6:2 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Кейинги учрашувда ҳам унинг қўли баланд экани сезилиб турди. Шундай қилиб, теннисчимиз рақибини умумий ҳисобда (2:0) ютиб Сателлит мусобақасининг дастлабки босқичи ғолиби бўлди. Унга 812 доллар насиб этди. Жуфтликлар бўйича мусобақада французлардан Жером Лосталог билан Максим Боилар муваффақият қозониб, 393,75 долларли бўлишди.

«Буюк Ипак йўли» халқаро мусобақасининг юртимизда иккинчи марта ўтказилаётгани теннисчилар маҳоратини ошириш, жаҳондаги кучли спортчиларни жалб этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу мусобақа низомига кўра Самарқандда якунланадиган иккинчи босқичдан кейин кучли теннисчилар Фарғонага йўл оладилар. Бу ерда 20—28 май кунлари якунловчи босқич баҳслари ўтказилади. Шундан кейин энг кучлилардан иборат «мастерес» мусобақаси Тошкентдаги «Юнусобод» теннис саройида уюштирилади. Халқаро мусобақанинг аҳамияти шундаки, профессионал теннисчилар шу йил август ойи охири сентябрь бошларида бошланадиган «Президент кубоги» баҳсларига тайёргарликни тобига етказиш имконига эга бўладилар.

**Алимурод МАМАДАМИНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: халқаро мусобақадан лавҳалар.**

*Ие, йўғ-е, наҳотки?!*

### ИСМ ҚЎЙИШ МАРТАБАСИ

ҲИНДИСТОННИНГ айрим туманларида чақалоққа исм қўйишда қизиқ одат ҳалиям сақланиб қолган. Ўша анъанага кўра, исм қўйиладиган кун ота-она беллашуви ўтказилади. Улар биттадан шам ёқишади. Кимники узоқ ёнса, ўша одам болага от қўйиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Янги Зеландиянинг туб аҳолиси ўртасида эса бу маросим янада ғаройиб ўтказилади. Чақалоқ олдида тангрининг ҳайкалчаси ушлаб турилади ва ғўдак феъл-атворига сингиши учун яхши сифатлар ёки чақалоқ туғилишидан олдин юз берган воқеа-ҳодисалар бир-бир саналади. Саналаётган пайтда, тўғрироғи, қайси сўздан кейин чақалоқ акса урса ўша сўз унга исм қилиб қўйилади.

XVIII асрда Испанияда исм мартабага қараб белгиланган: хусусан, оддий дворянлар олтита исм олиш ҳуқуқига эга бўлса, грандлар (сарой аёнларига мансуб испан дворянлари) ўн иккита, юқори табақадаги кишилар эса чексиз исмга эга бўлишган.

### МАШИНАНИ УНУТИБДИ

БУ ДУНЁДА фаромушхотир кишилар ҳам кўп. Лекин паришонхотирликда Ғарбий Германиянинг Дармдштат шаҳрида истиқомат қилувчи қарияга етадигани йўқ экан.

Гап шундаки, у 45 минг маркали автомобилини қаллоблар ўғирлаб кетишди деб жар солди. Қидирмаган жойи қолмади. Етти ҳафтагача «ўғрилар»нинг ғўрига ғишт қалади. Охири машинасидан умидини узди. Бироқ бир куни машинасини Франкфурт-Майн шаҳрига миниб боргани тасодифан эсига тушиб қолди. Чиқмаган жондан умид, деганларидек ўша шаҳарга борса машинаси турган экан.

Маълум бўлишича, қария автомобилини шаҳардаги пуллик тўхташ жойига қўйганини унутиб қолдирибди.

### БАЛИҚҚА ТЎҚНАШГАН САМОЛЁТ

ОДАТДА самолётларнинг қушлар билан тўқнашиб кетиш ҳодисасини эшитамиз, бироқ самолётнинг балиқ билан тўқнашиши... Аммо шунақаси ҳам бўлиб тураркан. Масалан, АҚШнинг «Боинг-737» ҳаво кемаси Аляскадаги аэродром яқинида балиқ билан тўқнашиб кетган. Самолёт ердан кўтарилаётганда балиқ чангаллаб олган оқ бошли сув бургути унинг йўлини кесиб ўтади. Бургут ўзидан катта «йиртқич»ни кўргач, саросимага тушиб қолади ва ўлжасини ташлаб юборади. Балиқ эса самолётнинг олд ойнасини синдириб, кабинага тушади. Шундан сўнг самолёт қўнишга мажбур бўлади.

### «РУЛДА» — СУВСАР

МЮНЬХЕН шаҳридаги кичик кўчалардан бирида тўхтаб турган спорт машинасининг бирдан мотори ўт олиб юриб кетди. Бироқ, кабинада ҳеч кимса кўринмасди. Автомобиль йўл четида турган икки машинага ҳам шикаст етказди. Шунингдек, темир панжарани бузиб ўтиб, қўшни ҳовлидаги деворга бориб урилди. Хўш, машина ҳайдовчисиз қандай юрди экан?

Аниқланишича, кабинага сувсар кириб олибди. У моторга уланган ток узаткичларни тиши билан қиртишлаган. Натижада токнинг қисқа туташуви содир бўлган ва автомобиль юриб кетган.

## БОЙЛИК УШОҚДАН ЙИҒИЛАР

Газета, журналлар, айрим китоблар бир марта ўқилгач, «ўз умрини яшаб» бўлади. Кўпчилик энди бу кераксиз қоғозни ташлаб юборади. Шунинг учун ҳам кўча-кўйда, ахлатлар орасида қоғоз уюмларини кўп кўрамиз. Бу бизни ажаблантирмайди. Унинг исроф бўлишига кўникиб қолганмиз. Аслида, қоғоз ҳозирги шароитда салкам тилло баробар қимматлашди. Қоғоз танқислиги муаммоси нашриётларни қийин аҳволга солиб қўймоқда.

Олмонияда қоғоз тугул фойдаланилган гугурт донасини ҳам ахлатга ташлашмайди. Олиб қўйишади. У ерда ортиқча қоғоз, ёғоч, темир, шиша, идишлар топширгани учун нақд «дойч-марка» берилади.

Илгари пойтахтимизнинг ҳар жой-ҳар жойида «Қоғоз қабул қилиш пунктлари» бўларди. Энди негадир, ана шундай пунктлар деярли йўқ бўлиб кетди. Нима, қоғоз нобуд бўлишининг олди олинди, деб ўйлайсизми? Йўқ, ҳозир ҳам ҳар куни ахлат қутиларига ташланаётган, ёқиб юборилаётган қоғозлар илгаригидан оз эмас.

Халқимизда бойлик ушоқдан йиғилар, тома-тома кўл бўлур, деган ҳикматлар бор. Бир марта фойдаланилган қоғозни иккинчи қайта ишлаш учун топшириш қисман бўлса-да унинг муаммосини ҳал этиши мумкин-ку? Қоғоз Шарқда қадим-қадимдан ғоят эъзозланган. Ота-боболаримизнинг ана шу удумларига амал қилсак, дейман.

**Х. ҲАЛИМОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

Республика телекўрсатувлар маркази жамоаси техника назорати бўлимининг бошлиғи Шоира Насимовага отаси

**Муҳаммадамин НАСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Молия иқтисод институтининг маъмурияти ва профессор-ўқитувчилари катта ўқитувчи Л. Т. Эшонхўжаевага волидаи муҳтарамаси

**Муяссар ЭШОНХЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати:**
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

**БЎЛИМЛАР:**

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

*ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:*

*Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.*

*· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.*

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.*

*1 2 3 4 5 6.*